БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 49 (18.825). ● Шанба, 25 февраль 1984 йил ● Баҳоси 3 тийин.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети 1984 йилги февраль Пленуми якунлари билан боғлиқ бир қанча ташкилий-сиёсий ва пропаганда ишига доир масалаларни кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко мажлисда сўзга чиқиб, совет экономикасини ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини янада юксалтириш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаб берди. Партия ва давлат мана шу йўналишларга доимо эътибор бериб туриши керак. Марказдаги ва жойлардаги партия, совет ва хўжалик органлари омма билан алоқаларини доимо мустаҳкамлашлари, хўжалик ишларинигина эмас, шу билан бирга тарбиявий ишларни ҳам яхшилашлари, халқнинг бутун ижодий кучлари ҳаракатга келишига эришишлари, совет кишиларининг онглилиги ва ғоявий эътиқодини кучайтиришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми якунларини партия комитетлари пленумларида ва партия активи йиғилишларида, бошланғич партия ташкилотларида, шунингдек касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларида, министрликлар ва идоралар коллегияларининг мажлисларида кенг муҳокама қилиш белгиланди. Бунда давлат планларини бажаришга, социалистик мусобақани авж олдиришга, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш, уюшқоқликни, тартиб ва интизомни кучайтириш тадбирларини қунт билан амалга оширишга энг кўп аҳамият берилиши лозим.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми йўл-йўриқларини амалга ошириш ва тушунтириш соҳасидаги ҳамма ишлар партия сафларининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлашга, 1984 йилги ва умуман беш йилликнинг план топшириқларини ҳамда социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришга меҳнаткашларни сафарбар қилишга қаратилиши лозимлигини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида К. У. Черненко, Н. А. Тихонов, А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, Г. А. Алиев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев ва К. В. Русаковларнинг Ю. В. Андроповни дафн этиш маросимига қатнашиш учун Совет Иттифоқига келган чет эл делегацияларининг бошлиқлари билан қилган суҳбатлари якунларини муҳокама этди. Сиёсий бюро шу суҳбатларни маъқуллаб, партия ва давлатимизнинг қардош социалистик мамлакатлар билан дўстлик ва жипсликни, ўзининг миллий озодлиги учун, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашаётган халқлар билан бирдамликни мустаҳкамлашга, ижтимоий-сиёсий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принципларини амалга оширишга қаратилган йўли ўзгармаслигини ва давомийлигини яна бир марта таъкидлаб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси кўкламги экишга тайёргарлик планлари қандай бажарилаётганлиги, хўжаликлар сифатли уруғлик, ўғит, техника ва бошқа ресурслар билан қандай таъминланганлиги тўғрисида СССР министрлари В. К. Месяц, Н. Ф. Васильев, А. А. Ежевский ва Л. И. Хитруннинг ахборотларини тинглади. Бу соҳадаги мавжуд камчиликни ва қолоқликни бартараф этиш, планда белгиланган миқдорда маҳсулот олинишини ва ғалла ҳамда бошқа деҳқончилик маҳсулотлари тайёрлашни таъминлаш учун қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга министрликларнинг эътибори жалб этилди. Бу ишда бевосита колхозлар, совхозлар, бригада ва звенолардаги ишлар биринчи ўринга қўйилиши, бу ерда ишчи кучи ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланишга имкон берадиган пухта ўйлаб тузилган қарорлар дарҳол қабул қилиниши, мазкур ресурсларнинг нобуд ва исроф бўлишига йўл қўйилмаслиги керак.

Партия комитетлари олдига ишнинг ҳал қилувчи участкаларига партиявий таъсирни кучайтириш, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш, мўл ҳосил олишнинг муқаррар шарти бўлган бутун агротехника тадбирлари комплексининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши ғоят муҳим эканлигини ҳар бир меҳнаткашнинг чуқур билиб олишига эришиш, масъулиятсизлик ва ландовурликнинг ҳар қандай кўринишига, ишлаб чиқариш ва технология интизомининг бузилишига нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириш вазифаси қўйилди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига агросаноат комплексининг барча бўлинмаларига партиявий раҳбарликни янада такомиллаштиришни таъминлаш, ҳамма жойда амалий иш кайфиятини, беш йиллик тўртинчи йилининг ҳосили учун курашнинг масъулиятли вазифаларини бажаришга ижодий ёндашувни мустаҳкамлаш топширилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида партия, давлат ва хўжалик қурилишининг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

▲ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ САЙЛОВОЛДИ УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРМОҚДАЛАР
▲ КЎКЛАМГИ ДАЛА ИШЛАРИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК
▲ ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ



## КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга аҳд қилган Поп районидаги «Найман» совхози заршунослари кўкламги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Кузда озиқлантирилиб, чуқур шудгорланган пайкалларга ҳосил хамиртуруши — маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин давом эттириляпти. Ариқ-зовурларни тозалаш ҳам авжида.

Мўл ҳосил етиштириш ва уни ўз вақтида йиғиштириб олишда механизация катта куч эканлигини совхоз азаматлари яхши билишади. Шу туфайли бу ерда техника ремонтига алоҳида эътибор берилляпти. Натижада хўжаликдаги чигит экиш мавсумида ишлатиладиган барча механизм-агрегатлар сифатли ремонтдан чиқарилди. Сифат комиссияси кўригидан ўтказилган 33 та сеялка, 46 та культиватор, 46 та чопиқ трактори, 125 комплект борона тайёрлик чизиғида старт кутмоқда. Бу муваффақиятга созлаш ишлари пухта уюштирилганлиги, ремонтчилар ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлиги туфайли эришилди. Ўзаро мусобақада слесар Абдумутал Тўйчиев ғолибликни қўлга киритди. Суратларда: А. Тўйчиев (чапда) ва экиш мавсумига тайёр турган сеялкалар.

Ж. Тўраев фотолари.



## РЕМОНТ ТУГАЛЛАНДИ

Ўтган хўжалик йилида Наманган райони деҳқонлари 43300 тонна пахта ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб белгиланган планларни ортиғи билан адо этдилар. Бу ютуқларга техника воситаларидан самарали фойдаланиш туфайли эришилди. Районда хўжаликлараро қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш корхонаси тузилганлиги яхши самаралар беряпти. Колхоз, совхозлар техника учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни ўз вақтида оляптилар. Ёнилғи-мойлаш материаллари исрофгарчилигига чек қўйилди. Давлат томонидан берилаётган техникани асраш, уларнинг умрини узайтириш яхшиланди.

Корхона коллективи куни кеча мавжуд механизмлар ремонтини муддатидан илгари тамомлади. 181 та ҳайдов, 269 та транспорт, 327 та чопиқ тракторлари, 390 та культиватор, 220 та сеялка ва ер текислагич, 676 комплект борона ва бошқа турдаги техника воситалари сифатли ремонтдан чиқарилиб, старт чизиқларига қўйилди.

А. ҚОРАБОЕВ.

# ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКО КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЭТИБ САЙЛАНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

# ТАБРИКНОМАЛАР

Ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайланганлиги муносабати билан унинг номига самимий табрик хатлари ва телеграммалари ҳамон келиб турибди.

Қуйидагилар табрик телеграммалари йўлладилар:

АҚШ Коммунистик партиясининг Миллий раиси Г. Уинстон, АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари Г. Холл:

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари этиб сайланганингиз муносабати билан Сизни АҚШ Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан табриклаймиз. Шу юксак лавозимда Сизнинг раҳбарлик фаолиятингиз тинчлик, социализм ва демократия манфаатлари йўлида халқаро муносабатларга кўп томонлама таъсир ўтказишига аминмиз. Биз КПСС билан бутун совет халқи бутун дунёда тинчликни таъминлаш ҳамда тенглик ва баб-баравар хавфсизлик асосида ядро ракеталари қисқартирилишига эришиш йўлида қаҳрамонона куч-ғайрат сарфлаётганликларини биламиз.

Ўзингизнинг идеология масалаларига доир муҳим нутқларингиз билан бизга яхши танишсиз. Ана шу нутқларингиз ривожланган социализмни такомиллаштириш ҳамда коммунизм қурилиши йўлидан олға силжиш ишида марксизм-ленинизм фанини ижодий қўлланишга кўмаклашмоқда.

Биз Сизни ўзининг халқ оммаси билан алоқаларини ҳамиша юксак қадрловчи тажрибали партия раҳбари ва доно давлат арбоби деб биламиз. Аввало эса улуғ Ленин бунёд этган партиянинг синалган фарзанди сифатида Сиз ҳамиша пролетар интернационализми байроғини баланд кўтариб бормоқдасиз.

Сизга энг яхши самимий истакларимизни йўллаймиз ва Сизнинг буюк фаолиятингиз партия ва халқ иши учун, ялпи тинчлик ва тараққиёт иши учун жуда катта муваффақиятлар билан якунланаверсин».

Ирландия Коммунистик партиясининг Миллий раиси Э. Барр, Ирландия Коммунистик партиясининг Бош секретари М. О'Риордан:

«Муҳтарам ўртоқ Черненко,

КПСС Марказий Комитети Бош секретари юксак лавозимига сайланишингиз муносабати билан Ирландия Коммунистик партияси Миллий ижроия комитети Сизга ғоят қизғин қардошлик қутловларини йўллайди.

Сизнинг янги лавозимга сайланганлигингиз ялпи тинчлик, социал тараққиёт, шунингдек халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини ривожлантириш ишидаги раҳбарлик ролининг юксак масъулияти билан боғланган.

Ўн саккиз ёшингизда кўнгилли бўлиб Қизил Армия сафига кирган пайтингиздан бошлаб Сизнинг бутун фаолиятингиз КПССга бошчилик қилиш ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида ғоят катта роль ўйнаш учун муносиб равишда бир овоздан сайланганлигингизнинг далилидир.

Сизга ана шу янги лавозимда Ирландия Коммунистик партияси Миллий ижроия комитети номидан сиҳат-саломатлик ва революцион ғайрат-шижоат тилаймиз».

Жанубий Африка Коммунистик партиясининг Бош секретари М. Мабида:

«Азиз ўртоқ Константин Черненко!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бўлган Юрий Андроповнинг вафот этганлигини эшитиб чуқур қайғурдим. У юксак халқаро обрў-эътиборга сазовор бўлган инсон эди, бинобарин унинг вафоти халқаро коммунистик ҳаракат учун, партиямиз билан халқимиз учун катта жудоликдир.

Ўртоқ Бош секретарь, айни вақтда Сиз КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан табриклашимга ижозат бергайсиз. Сиз, бой тажрибага эга бўлиб, ўртоқ Юрий Андропов каби жаҳон коммунистик ҳаракатида худди шундай ғоят катта роль ўйнай олишингизга ишончим комил. Ўзингизнинг осон бўлмаган вазифаларингизни бажаришда Сизга Жанубий Африка Коммунистик партияси Марказий Комитети ва мамлакатимизнинг бутун мазлум халқи номидан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз».

Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгаши президиумининг Раиси Б. Кармал:

«Азиз Константин Устинович!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари юксак лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан Сизга сидқидилдан ғоят самимий қутловларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Афғонистон Халқ демократик партияси, афғон халқи КПССни — улуғ Ленин партиясини халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун, бутун инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашда тинчлик ва тараққиёт кучларининг ишончли таянчи, деб биладилар. Биз КПСС ленинчи Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ядро ҳалокатининг олдини олиш, ялпи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида изчил равишда ўтказиб келаётган тинчликсевар ташқи сиёсий йўл билан астойдил бирдам эканлигимизни яна бир бор таъкидлаймиз.

Константин Устинович, Афғонистондагилар Сизни Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, омманинг истеъдодли ташкилотчиси Леонид Ильич Брежнев билан Юрий Владимирович Андроповнинг содиқ сафдоши, изчил ленинчи интернационалист, афғон халқининг улкан ва самимий дўсти, деб биладилар. АХДП ва АДР ҳукумати эрксевар ватанимизнинг Апрель революцияси юксак мақсадлари ҳамда вазифаларини амалга ошириш учун курашда империализм билан регионал реакциянинг агрессиясини даф этишда Совет Иттифоқи бераётган ғоят катта интернационал ёрдамни юксак қадрламоқдалар. Биз партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстлик, революцион бирдамлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб, тобора бойиши учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверамиз.

Партияларимиз ўртасидаги дўстона қардошлик алоқалари ҳамда Афғонистон Демократик Республикаси билан улуғ Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик бундан буён ҳам мамлакатларимиз халқлари бахт-саодати йўлида, планетамизда мустаҳкам тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида ҳар томонлама ривожланиб, чуқурлашаверишига қатъий аминман».

Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, ЯХДР Олий халқ кенгаши президиумининг раиси, Бош министри А. Н. Муҳаммад:

«Сиз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари қилиб сайланганлигингиз муносабати билан Яман Социалистик партияси Марказий Комитети, ЯХДР Олий халқ кенгаши президиуми, Министрлар Совети номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга КПСС Марказий Комитети, барча совет коммунистлари зўр ишонч кўрсатганликлари туфайли ўртоқларча қутловларни йўллашдан хурсандман.

Сиз партия Марказий Комитетига бошчилик қилиб, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ленинча сиёсатини амалга ошириш, КПСС XXVI съезди шу соҳада ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш йўлида зўр куч-ғайрат сарфлашни давом эттиришингизга ишончимиз комил. Бу сиёсат совет халқининг, бутун жаҳон социалистик системасининг иқтисодий ва ҳарбий қудратини мустаҳкамлашни таъминламоқда, халқаро революцион ҳаракатни ва халқларнинг миллий озодлик ҳамда социал тараққиёт учун, халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ва империалистик доираларнинг агрессив йўлига ғов солиш учун олиб бораётган курашини мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилмоқда.

Мавруддан фойдаланиб, Совет Иттифоқи ва ЯХДР партиялари билан халқлари ўртасида кейинги йилларда ривожланган стратегик муносабатлар халқларимизнинг бахт-саодати, уларнинг биргаликдаги кураши манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверишига тўла ишонч билдирмоқчиман.

Олижаноб вазифангизни бажаришда кўпдан кўп муваффақиятлар, шахсан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, совет халқига эса бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ тилайман».

Кампучия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХР Давлат кенгашининг раиси Хенг Самрин:

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан Сизни сидқидилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Сизнинг раҳбарлигингизда совет халқи КПСС XXVI съезди белгилаб берган сиёсий йўлга амал қилиб, янги ғоят катта муваффақиятларга эришишига, мана шу муваффақиятлар социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга ва ер юзида мустаҳкам тинчликни сақлашга кўмаклашишига қатъий аминман.

Партияларимиз, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик, бирдамлик ва ҳамкорлик муносабатлари марксизм-ленинизм ҳамда пролетар интернационализмининг бузилмас принциплари асосида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверишига ҳам ишончим комил.

Тинчлик ва коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этиш манфаатлари йўлидаги олижаноб фаолиятингизда Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва янги-янги муваффақиятлар тилашга ижозат этгайсиз.

Муҳтарам ўртоқ Черненко, менинг самимий революцион табрикларимни қабул қилгайсиз».

Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари Ҳ. Асад:

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан Сизга КПСС Марказий Комитети зўр ишонч билдирганлиги туфайли шахсан ўз номимдан ва Араб Социалистик уйғониш партияси раҳбарлиги номидан Сизни самимий муборакбод этаман ҳамда дўст Совет Иттифоқининг қудратини янада кучайтириш соҳасидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, совет халқига эса ички сиёсатда ҳам, шунингдек халқаро майдонда ҳам барча соҳаларда янада кўпроқ ютуқлар ва тараққиётга эришувни тилайман.

(Давоми учинчи бетда).

# ЖАНГОВАР ШАЙЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

СССР Мудофаа министрлиги партия активининг 24 февраль куни Москвада бўлиб ўтган йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари февраль Пленуми якунларини ва Мудофаа министрлиги партия ташкилотларининг Пленум қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко нутқидаги қоидалар ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов доклад қилди. КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари февраль Пленуми, деди у, партиямиз ва давлатимизнинг атоқли арбоби ўртоқ К. У. Черненкони бир овоздан КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайлади. Совет кишилари, армия ва флот коммунистлари, СССР Қуролли Кучларининг бутун шахсий состави бу қарорни якдиллик билан маъқуллаб, кутиб олди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг иши партиямиз метиндек жипслигининг, унинг сиёсати давомийлигининг, марксизм-ленинизмга, КПСС XXVI съезди ва Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ишлаб чиққан сиёсий йўлга чексиз садоқатнинг ёрқин далили бўлди. Ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқида партия билан халқ олдида турган яқин кунларга мўлжалланган ва стратегик вазифаларни амалга оширишга оид ишларнинг конкрет чуқур асосланган программаси белгилаб берилди.

Докладчи мамлакат эришган муваффақиятларни, унинг бундан буёнги иқтисодий ва социал ривожланишнинг асосий йўналишларини таърифлаб, уларнинг ҳаммаси давлат мудофаа қудрати ва Қуролли Кучларининг жанговар потенциалини оширишнинг энг муҳим шартидир, деди.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми ҳозирги халқаро вазиятга ва партия ташқи сиёсий фаолияти соҳасида шундан келиб чиқадиган хулосалар ва вазифаларга катта эътибор берди, деб давом қилди нотиқ. Бизга ҳарбий устунлик даркор эмас, биз бошқаларга ўз хоҳиш-иродамизни мажбуран тиқиштириш ниятида эмасмиз. Бироқ эришилган ҳарбий мувозанатнинг бузилишига ҳам йўл қўймаймиз. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, бизлар бундан буён ҳам мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун, урушқоқ авантюрачилар жазавасини пасайтириб қўйиш мумкин бўлган зарур даражадаги воситалар бўлиши учун ҳаракат қилаверамиз.

Сўнгра, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов СССР Қуролли Кучларини жанговар такомиллаштиришнинг амалий вазифаларига батафсил тўхталди. Армия ва флот партия ташкилотлари ижрони ташкил этиш ва уни текширишни яхшилашлари, партия қарорлари, буйруқлар ва директивалар бажарилиши устидан контролни кучайтиришлари, топширилган участкадаги ишларнинг аҳволи учун ҳар бир коммунистга талабчанлик ва шахсий жавобгарликни оширишлари зарур. Бошқармалар ва бўлимлар, шунингдек қўшилмалар ва қисмлар коммунистлари фаолиятида, корхоналар ва муассасаларда намунали иш услуби, тартиб бўлишига, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигига эришиш зарур. Муҳим сиёсий кампания — СССР Олий Советига сайловга тайёргарликнинг якунловчи босқичида партия ташкилотлари ишини кучайтириш лозим.

КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари февраль Пленумининг қарорлари, деди пировардида СССР мудофаа министри, ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқидаги ғоялар ва қоидаларни коммунистлар, Қуролли Кучларнинг бутун шахсий состави якдил қўллаб-қувватлаб, жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилди. Армия ва флот коммунистлари Пленум қарорларига жавобан ленинчи Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси теварагида ўз сафларини янада мустаҳкам жипслаштирадилар. Қуролли Кучларимиз Ватаннинг социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга оид ҳар қандай буйруғини бажаришга тўла шай бўлиши учун барча зарур ишларни қиладилар.

Партия активи йиғилиши қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ К. У. Черненкога баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

# ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТГА ДОИМО ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 24 февралда КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми талаблари асосида физкультура ва спортни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган республика кенгашини чақирди.

Кенгашга партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, физкультура активлари, етакчи тренер ва спортчилар таклиф қилинди.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева доклад қилди.

Кенгашда СССР Физкультура ва спорт комитетининг раиси М. В. Грамов нутқ сўзлади. Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва Бюро аъзолигига кандидатлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети дам олиш кунини 1984 йил 11 март якшанбадан 9 март жумага кўчиришга қарор қилди.

